

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ 9 (3) - 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРЬ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/SCP1342V3I9Y2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 9 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Ақтамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодири Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

Matajonov Rahimjon Akramovich

“VII-VIII ASRLARDA ARAB XALIFALIGI ISTILOSIGA QARSHI KURASHDA MAHALLIY HUKMDORLARNING O‘RNI VA ROLI” MAVZUSIGA OID INGLIZ TILLI TADQIQOTLAR TAHLILI 10-16

Облобердиев Жасурбек Косим угли

МЕРЫ НАКАЗАНИЯ, ПРИМЕНЯЕМЫЕ В БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ В КОНЦЕ XIX - НАЧАЛЕ XX ВВ 17-22

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Турсунов Бекмухаммад Омонович

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ МЕЗОН ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ 23-34

Курпаяниди Константин Иванович

ИССЛЕДОВАНИЕ ТРАНСФОРМАЦИИ ЭКОНОМИКИ: ВЫЗОВЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ СИСТЕМ УПРАВЛЕНИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ ЧЕРЕЗ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ РЕФОРМЫ 35-44

Ahmedov Shohjaxon

O‘ZBEKISTONDA SHAKANA SAVDONI RIVOJLANISH TENDENSIYALARI TAHLILI 45-51

Кулибоев Азамат Шоназарович

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ 52-62

Рўзиев Абдумалик Ортиғалиевич

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИ БАҲОЛАШДА МИҚДОРИЙ ВА АХБОРОТ ТАҲЛИЛИ МЕТОДОЛОГИЯСИ 63-73

Abduraxmanova Shoxida Ravshanovna

TIBBIYOT MUASSASALARIDA RAQOBATBARDOSHLIKNI BOSHQARISHNI TAKOMILLASHTIRISH 74-80

Davronov Istamxo‘ja Olimovich

МЕНМОНХОНА ХИЗМАТЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ ВА СИФАТИНИ ВАНОЛАШ USULLARI 81-86

Маматов Бахадир Сафаралиевич

ҲУДУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ 87-96

Шолдаров Дилшод Азимиддин ўғли

КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР УЧУН НАФАҚА ВА МОДДИЙ ЁРДАМ ТАЙИНЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ 97-104

Баратов Махсудали Назиралиевич

МИКРОМОЛИЯВИЙ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ 105-116

| | |
|--|---------|
| <i>Ergashev Islom Ismoilovich</i> KESKIN RAQOBAT SHAROITIDA XIZMAT KO'RSATISH KORXONALARI INVESTITSION JOZIBADORLIGINI OSHIRISHNING METODOLOGIK ASOSLARI | 117-127 |
| <i>Қодиров Азизжон Анварович</i> ЎТИШ ИҚТИСОДИЁТИ МАМЛАКАТЛАРИДА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АМАЛИЁТИ | 128-136 |
| <i>Эшонкулов Акмал Кудратович</i> ПРОБЛЕМЫ ПРОВЕДЕНИЯ АНАЛИЗА ДЕНЕЖНЫХ ПОТОКОВ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН | 137-142 |
| <i>Астанов Шерзод Рустамович</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ | 143-150 |
| 09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ | |
| <i>Abdullayev Ibodulla Abdullayevich</i> YOSHLARNI MILLIY G'URUR RUHIDA TARBIYALASHDA OILA VA OILAVIY QADRIYATLARDAN UNUMLI FOYDALANISH USULLARI | 151-155 |
| <i>Turabova Sevara Kattaqulovna</i> BAHS-MUNOZARALARDA QO'LLANILADIGAN TUZOQLAR VA MANIPULYATSION (SPEKULYATIV) USULLAR | 156-164 |
| <i>Alimatova Nargis Abduxalilovna</i> BARQAROR RAQOBAT USTUNLIGI-RAQOBATBARDOSHLIK OMILI | 165-174 |
| <i>Allayarova Marhabo Mavlonovna</i> UCHINCHI RENESSANS DAVRIDA YOSHLAR BADIY IJODINI RIVOJLANTIRISH ZARURIYATI | 175-179 |
| <i>Рахманов Баҳодир</i> СИНЕРГЕТИК ТАФАККУР: ФАЛСАФИЙ МЕРОСИМИЗНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ | 180-186 |
| <i>Abdiraxmanov Muzaffar Zaripbayevich</i> ABU ALI IBN SINONING XORAZM MA'MUN AKADEMISIDAGI FAOLIYATI | 187-191 |
| <i>Mirzaxalov Xojiakbar Tajibayevich</i> JAMIYATDA GENDER TENGLIGI MUAMMOSINING IJTIMOY-FALSAFIY TAHLILI | 192-197 |
| <i>Azimov Ashirali Mehmonboyevich</i> XOTIN-QIZLAR GENDER MA'RIFATINING IJTIMOY BARQARORLIKKA TA'SIRI | 198-202 |
| <i>Azimov Sherzod</i> PHILOSOPHICAL REFLECTION ON THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF SPORT IN SOCIETY | 203-207 |
| <i>Абдурахмонович Хасан Иброхимович</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР ИННОВАЦИОН ТАФАККУРИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ | 208-216 |

10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ*Kuliyeva Dilshoda Alijon qizi*

QUMAN TOPISHMOQLARINING O'ZBEK FOLKLORIDAGI PARALLEL SHAKLLARI 217-223

Teshabaeva Dilfuza Muminovna, Abduxalilova Gulbaxor Karabaevna

ТУРИЗМ СОҲАСИГА ОИД СЎЗ ВА ИБОРАЛАРНИ ПРЕФИКСЛАР ЁРДАМИДА

ЯСАЛИШИ 224-230

Abdinazarov Uktam Qushoqovich

INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA GIPPOLOGIK TERMINLARNING LINGVISTIK TADQIQI.. 231-236

Axmedova Shaxodat Maxmutovna

O'ZBEK XALQ PAREMALARIDA SHIFO KONSEPTINING IFODALANISHI..... 237-241

Ruziyev Xusniddin Baxritdinovich

JAHON TILSHUNOSLIGIDA PAREMALAR TADQIQI 242-246

Vositov Otabek Toxirjonovich

TABIATNING ATMOSFERA HODISASI UMUMIY MA'NOSI VA LEKSIK SEMANTIKA

GURUHLARNING STRUKTURAL XUSUSIYATLARI 247-253

Hodir Raхmatullaev

НАЗАР ЭШОНҚУЛ НАСРИДА ШАРПА АРХЕТИПИНИНГ ТАЛҚИНИ 254-260

12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР*Мамасобиров Давронбек Эрназарович*

ВАТАНДОШЛАР БИЛАН ИШЛАШ: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ 261-270

Urakov Djahongir Rajabovich, Sharipovasror Safar o'g'li

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QONUN HUJJATLARIDA FUQAROLIK JAMIYATI

INSTITUTLARNING HUQUQIY ASOSLARI 271-276

13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ*Djamaldinova Shaxlo Obloberdiyevna*

OLIY TIBBIY TA'LIM MUASSASALARI TALABALARI HISSIY-KOMMUNIKATIV

KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISH 277-281

Umarova Zaxro Abduraxim qizi

TALABALAR MUSTAQIL TAYYORGARLIGINI RIVOJLANTIRISHDA NOSTANDART FIKRLASH

(THINKING OUTSIDE THE BOX) NING ROLI 282-287

Kadirov Ramz Turabovich

TALABA-AKTYORLARNING SAHNA NUTQIGA OID BILIM VA KO'NIKMALARINI

TAKOMILLASHTIRISHNING SPETSIFIK TEXNOLOGIYALARI (DARS JARAYONIDAGI

MASHG'ULOTLAR MISOLIDA) 288-295

Khabiba Madaminovna Jurabekova

THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF LISTENING IN THE FORMATION OF COMMUNICATIVE

COMPETENCE OF STUDENTS IN RUSSIAN LESSONS 296-302

| | |
|---|---------|
| <i>Nishonov Akmal Obidovich, Xamrakulov Xamidullo Turgunboyevich</i> KLAUSTERLI O'ZARO TA'SIR SHAROITIDA INFORMATIKA O'QITUVCHILARINING MALAKASINI OSHIRISH JARAYONINI MODELASHTIRISH MASALALARI | 303-310 |
| <i>Ergashev Murodbek Ikromovich</i> MUSIQA TA'LIMIDA O'QUVCHILARNING KREATIV VA IJTIMOYIY KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISHNING MAVJUD IMKONIYATLARI | 311-316 |
| <i>Utkirov Nusrat Kamilovich</i> BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA MUTAXASSISLARINI TAYYORLASHNING KASBIY-PEDAGOGIK KOMPETENTLI TA'MINOTINI RIVOJLANTIRISH | 317-322 |
| <i>Yulbarsova Xurshida</i> BO'LAJAK SOTSIOLOGLARDA IJTIMOYIY KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISHNING TASHKILIIY-PEDAGOGIK JIHATLARI | 323-329 |
| <i>Baychayev Fazliddin Xusenovich</i> BO'LAJAK KON-METALLURGIYA SANOATI MUTAXASSISLARINING ELEKTROSTATIKAGA OID NAZARIY BILIMLARINI MUSTAHKAMLASH | 330-335 |
| <i>Muminov Ulmas Ravshanqulovich</i> O'ZBEKISTONDA "MAHALLA INSTITUTI" NING MAHALLIY O'Z-O'ZINI BOSHQARISH – ORGANI SIFATIDA SHAKLLANISHI, UNING HUQUQIY ASOSLARINI YARATILISHI | 336-341 |
| <i>Tajibayeva Ma'mura Tojidinovna</i> AJDODLARIMIZ PEDAGOGIK TA'LIMOTLARINI O'RGANISH ASOSIDA TALABALARDA G'OYAVIY DUNYOQARASHINI RIVOJLANTIRISH | 342-346 |
| <i>Askarova Zulayxo</i> BOSHLANG'ICH TA'LIM JARAYONIDA O'QUVCHILARNING FIKRLASH DARAJASINI ANIQLASHDA INNOVATSION METODLARDAN FOYDALANISH SAMARASI | 347-352 |
| <i>Akhmadjonova Diyora Dilshod qizi</i> EXPLORING THE EFFECTIVENESS OF TEACHING THROUGH ONLINE PLATFORMS | 352-362 |
| <i>Jumaniyazova Go'zal</i> OLIIY O'QUV YURTI TALABALARINI PIRLSGA YO'NALTIRILGAN TOPSHIRIQLARNI TAYYORLASHGA O'RGATISH METODIKASI | 363-367 |
| <i>Xusaanova Leyla Yunusova</i> СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ В ОБУЧЕНИИ ФОНЕТИКЕ: ТЕХНОЛОГИИ И МЕТОДЫ | 368-373 |
| <i>Xudayberganov G'ayrat Quranboyevich</i> МАТЕМАТИК КРЕАТИВ ТАВСИФДАГИ MASALALARNING BOSHLANG'ICH SINFI O'QUVCHILARIDA KREATIV FIKRLASHINI FANLARARO ABSSESSIAL VA ORDINATAL BOG'LAB SHAKLLANTIRISHDAGI O'RNI VA ROLI | 374-379 |
| <i>To'xtasinov Muhammadjon</i> PEDAGOGLAR KASBIY KOMPETENLIGINI OSHIRISHDA UZLUKSIZ METODIK XIZMATNING O'RNI | 380-384 |

Eshnazarov Murod Karimovich

GERMENEVTIK YONDASHUV ASOSIDA TA`LIM MAZMUNINI RIVOJLANTIRISH

IMKONIYATLARI385-391

08.00.00 – Иқтисодиёт фанлари

Қодиров Азизжон Анварович
БухДУ тадқиқотчиси

ЎТИШ ИҚТИСОДИЁТИ МАМЛАКАТЛАРИДА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АМАЛИЁТИ

Аннотация. Мақолада бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатлар амалиётида экотуризмни ривожланиш хусусиятлари аниқланиб, ушбу соҳани ривожлантиришнинг имкониятлари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: туризм, экотуризм, экотуристлик объектлар, экотуристлик хизматлар, табиий туристик хизмат, турист, экотурист.

Kadyrov Azizjon Anvarovich
Researcher of Bukhara state University

KODIROV A.A. ECOTOURISM DEVELOPMENT PRACTICE IN TRANSITION COUNTRIES

Abstract. The article defines the features of the development of ecotourism in the practice of developing and developing countries with a market economy, as well as developed scientific proposals and practical recommendations for the development of this direction.

Key words: tourism, ecotourism, ecotourism objects, ecotourism services, nature tourism services, tourist, ecotourist.

Кадыров Азизжон Анварович
Научный сотрудник
Бухарского государственного университета

КОДИРОВ А.А. ПРАКТИКА РАЗВИТИЯ ЭКОТУРИЗМА В СТРАНАХ С ПЕРЕХОДНОЙ ЭКОНОМИКОЙ

Аннотация. В статье определены особенности развития экотуризма в практике развивающихся и развивающихся стран с рыночной экономикой, а также разработаны научные предложения и практические рекомендации по развитию этого направления.

Ключевые слова: туризм, экотуризм, объекты экотуризма, услуги экотуризма, услуги природного туризма, турист, экотурист.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I9Y2023N14>

Кириш. Жаҳон туризм ташкилоти (WTO) маълумотларига кўра, экологик туризм сўнгги йилларда жаҳон туризм индустрияси таркибида жадал суръатлар билан ривожланиш тенденциясига эга бўлиб келмоқда. Жумладан, хорижий туристик оқим

ҳажмида экотуристларнинг ўртача йиллик ўсиш кўрсаткичи 20 фоизни ташкил этиб келиши натижасида бугунги кунда экотуристлик хизматларнинг жаҳон туризм индустрияси томонидан кўрсатилаётган хизматлар таркибидаги улуши 25 фоизга етди[1]. Бу эса жаҳон мамлакатларида экотуризмни ривожлантириш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш заруриятини уйғотади.

Жаҳон экотуристлик хизматлар бозорида Осиё мамлакатлари ўзининг табиий-экологик ресурсларга бойлиги билан биргаликда ҳар бир мамлакатлар маданиятининг турли туманлиги билан экотуристларни ўзига жалб қилиб келади. Жумладан, Непалдаги Ҳимолай тоғ тизмаси бўйлаб экотуристлик саёҳат уюштириш мақсадида ҳар йили минглаб экотуристлар мамлакатга ташриф буюришса, Тайланд, Ҳиндистон, Шри-Ланка ва Индонезия мамлакатлари ўзининг экзотик табиати билан биргаликда, бой маданий ва этнографик объектларга бойлиги билан экотуристларни ўзига жалб қилади. Шу билан биргаликда, Филиппин, Бутан, Малайзия ва Хитойнинг Жануби-Ғарбий қисмида жойлашган ўрмонлар ҳам доимий равишда экотуристлар эътиборини ўзига жалб қилиб келганлиги билан характерланади. Японияда эса экотуризмни ривожлантиришда мамлакат ҳудуди бўйлаб миллий экопарклар ва қўриқхоналарни ташкил этишга устуворлик қаратилади.[2]

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодий адабиётда турли олимлар томонидан ўз мамлакатларининг экотуристлик салоҳиятини баҳолашга қаратилган тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, С.Қ. Кутлер, М. Сантеиро, Н. Сомерио, А. Авила-Робинсон, А.Г. Асмелаш каби узоқ хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан экотуризм салоҳиятини баҳолашнинг илмий-услубий асосларига бағишланган назарий қарашлар таҳлил этилган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида гуруҳлаш, тизимли ёндашув, назарий ва амалий ўрганиш, индукция ва дедукция, статистик кузатиш.ю қиёсий таҳлил усуллари қўлланилган

Таҳлил ва натижалар. Жаҳон экотуристлик хизматлар бозорида Осиё мамлакатлари, хусусан, Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари экотуристлик ресурсларга бойлиги ва юқори даражадаги экотуризмни ривожлантириш салоҳиятига эга эканлиги билан ажралиб туради. Марказий Осиё мамлакатларида экотуризмни ривожлантириш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган халқаро даражадаги форумдан олинган хулосаларга кўра, «ушбу минтақада жойлашган мамлакатлари ҳудудида барча турдаги экотуристлик ресурсларнинг мавжудлиги билан ажралиб туради. Шу билан биргаликда, ушбу мамлакатлар мустақил равишда ушбу соҳани ривожлантириш салоҳиятидан тўлиқлигича фойдалана олмайдилар. Бунга мамлакатлар чегаралари етарли даражадаги шарт-шароитларни яратиш учун камлик қилади. Ушбу вазиятни инобатга олган ҳолда, Марказий Осиё мамлакатлари экотуризм соҳасини ривожлантириш борасида ўзаро ҳамкорлик қилишлари талаб этилади»[3], деган фикр илгари сурилган. Бу эса Марказий Осиё мамлакатларининг экотуризмни ривожлантириш салоҳиятини таҳлил қилиш заруриятини оширади.


Юқорида билдирилган фикрларни инобатга олган ҳолда, Марказий Осиё мамлакатларининг табиати, экологик шарт-шароитлари, мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланганлик даражалари нисбатан Ўзбекистон кўрсаткичларига яқин эканлиги сабабли ушбу мамлакатларда экотуризмни

ривожлантириш хусусиятларини тадқиқ этиш кейинги йилларда мамлакатимизда экотуризмни ривожлантириш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда илмий ва амалий жиҳатдан устувор аҳамият касб этади, деб ҳисоблаймиз.

Қозоғистон Марказий Осиё мамлакатлари ичида сўнгги йилларда экотуризмни жадал суръатларда ривожланиш тенденциясига эга бўлиб келаётганлиги билан ажралиб туради. Мамлакат ўзининг экотуризмни ривожлантириш бўйича иқтисодий жиҳатдан юқори салоҳиятга эгаллигига қарамай, экотуристлик инфратузилмани ривожлантириш ва экотуристлар учун табиатнинг ноёб гўшаларида қулай шарт-шароитлар яратиш учун инвестицияларни жалб этиш зарурияти мавжуд. Жумладан, Шарқий Қозоғистоннинг Шарқий минтақасида жойлашган «Белуха» тоғли ҳудудлари, Олмаота вилоятидаги чанғи курортларида экотуристлик саёҳатни ташкил этиш бўйича хусусий капитал иштирокидаги инвестицион лойиҳаларни амалга оширилганлигига қарамай, ҳудудлардаги экотуристлик ресурслардан тўлиқ фойдаланишга эришилмаган[4]. Бу эса ўз навбатида экотуризмни ривожлантириш бўйича мамлакатда инвестицион ресурсларга эҳтиёж мавжудлигидан далолат беради.

Қозоғистон ўзининг бой экотуристлик ресурсларга эга эканлиги билан экотуристлик хизматлар бозорининг халқаро даражадаги рақобатбардошлик даражасини ошириш имкониятларининг юқорилиги билан ажралиб туради. Жумладан, халқаро ташкилотлар экспертлари томонидан мамлакат ҳудудида жойлашган «Щучинско-Баровская» ҳудуди, «Арасан-Капал», «Баянаул», «Сары-Агаш», «Моялди», «Каспий» ва «Жанакорган» каби минтақалари жаҳоннинг экотуристлик дурдоналарига айланиш имконияти юқори бўлган ҳудудлар сифатида эътироф этилган[1].

Қозоғистон Республикасининг Экология, геология ва табиий ресурслар вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги ва хайвонот дунёси қўмитаси маълумотларига кўра, мамлакатнинг 26 млн. гектар ёки 0,26 млн. км² майдони махсус ҳимоя қилинадиган табиий ҳудудлар ҳисобланиб, ушбу кўрсаткич экотуризм соҳасини ривожланиш кўрсаткичи бўйича жаҳондаги етакчи мамлакатларга нисбатан қарийб 10 баробарга кўпдир. Шунга қарамай мамлакатга ташриф буюрувчи экотуристлар сони ўрта ҳисобда йилига 2,0 млн. кишини ташкил этади. Ушбу кўрсаткич АҚШда 200,0 млн. кишини, Австралияда эса 60,0 млн. кишига тенгдир.[1] Бу эса мамлакатда миллий экотуристлик боғлар тизимини ривожлантириш зарурияти мавжудлигидан далолат беради.



1-расм. Қозоғистоннинг экотуристлик объектлари сони, бирликда[5]

«Global Wildlife Travel Index – 2019» маълумотларига кўра, Қозоғистонда экологик туризм объектларининг жами сони 264 тани ташкил этиб, шундан 168 таси махсус ҳимоя қилинадиган табиий ҳудудлар, 53 таси минтақавий аҳамиятга эга табиий-экологик объектлар, 26 таси республика аҳамиятидаги табиий-экологик ёдгорликлар, ЮНЕСКО томонидан тан олинган 12 та биосфера заҳиралари ва 5 та халқаро аҳамиятга эга тарихий-маданий ёдгорликлар ҳисобланади (1-расмга қаранг).

Шу билан биргаликда, Қозоғистоннинг турли минтақалари ўз табиати, экологик шарт-шароитлари билан ўзаро фарқ қилиб уларда турли хил экологик туристик хизматлар кўрсатиш амалиётини ривожлантириш имконияти мавжудлиги аниқланган. Таҳлилларга кўра, Жанубий Қозоғистон минтақаси мамлакатнинг бошқа ҳудудларига нисбатан экотуризмни ривожлантириш салоҳиятининг юқорлиги билан характерланади (1-жадвалга қаранг).

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Германия ҳукумати томонидан ҳар йили мамлакатга ташриф буюрувчи экотуристлар ўртасида ўтказиладиган сшровнома натижаларига кўра, мамлакатга келган Франция, Буюк Британия, Япония ва Жанубий Корея каби мамлакатлар сайёҳлари Қозоғистонга экотуристик саёҳат уюштиришга қизиқишлари мавжуд эканлигини билдирганлар. Ўтказилган сшровнома натижаларига кўра, мамлакатнинг «Жабағлы», «Коргалжин», «Угам», «Лепсинск», «Кокшетау», «Катон-Карагай», «Каркаралы», «Алаколь» ва «Риддер» каби ҳудудлари хорижий экотуристлар ўртасида машҳур бўлган экотуристик минтақалар ҳисобланади[2]. Ушбу ҳолат мамлакатнинг экотуристик салоҳияти жаҳоннинг етакчи мамлакатлари томонидан тан олинишидан далолат беради.

1-жадвал

Қозоғистон минтақаларида экотуристик хизматлар соҳасини ривожлантириш имкониятлари [1]

| Марказий Қозоғистон | Шимолӣ Қозоғистон | Шарқӣ Қозоғистон | Жанубий Қозоғистон | Ғарбий Қозоғистон |
|---------------------|-------------------|--------------------|---------------------------|---------------------------|
| Экскурсион-саёҳат | Пиёда сайр қилиш | Тоғ экотуриزمи | Экологик | Сув экотуриزمи |
| Экологик | Экскурсион-саёҳат | Экскурсион-саёҳат | Велотур | Экологик |
| Тарихий | Экологик | Экологик | Тоғ экотуриزمи | Экскурсион-саёҳат |
| Спелеологик | Чанғи экотуриزمи | Танишув экотуриزمи | Пиёда сайр қилиш | Пиёда сайр қилиш |
| Сув экотуриزمи | | | Экскурсион-саёҳат | Зиёрат экотуриزمи |
| | | | Зиёрат экотуриزمи | Тарихий-маданий экотуризм |
| | | | Тарихий-маданий экотуризм | |

Таҳлилларга кўра, Қозоғистонда экотуризмни ривожлантириш амалиёти учун қуйидаги хусусиятлар хос ҳисобланади:

- мамлакатнинг айрим экотуристик ресурсларга бой ҳудудларини ривожлантириш ва инвестицияларни жалб этиш заруриятининг мавжудлиги;

- мамлакатнинг катта ҳудудида табиий боғлар ва сув омборларининг мавжудлигини инобатга олган ҳолда уларни сақлаш билан биргаликда, экотуристлар учун миллий экологик боғлар тизимини ривожлантириш;

- экотуризмни ривожлантиришда давлат ва хусусий шериклик механизмини қўллаш орқали экотуристлик салоҳиятдан фойдаланиш салоҳиятини ошириш ва ҳ.к.

Марказий Осиё мамлакатларидан яна бири ҳисобланган Қирғизистон халқаро экотуристлик хизматлар бозорида йилдан йилга хорижий экотуристлар қизиқишини қозониб келаётган мамлакат ҳисобланади. Жумладан, қирғиз халқининг бой маданий-тарихий мероси, маҳаллий аҳолининг меҳмондўстлиги, мамлакат ҳудудидаги баланд тоғ тизмалари, йирик музликлар, зилол сувлари, кўллари билан биргаликда, кўчманчилик табиатига хос бўлган табиий-экологик туристик саёҳатни уюштириш имкониятининг мавжудлиги хорижий экотуристларни ўзига жалб қилмоқда. Қирғизистон Туризм бошқармаси маълумотларига кўра, мамлакатга ташриф буюрувчи экотуристларнинг аксарияти Европа Иттифоқи ва Араб мамлакатлари аҳолиси ҳисобланади[6].

Қирғизистонда экотуристлик хизмат кўрсатувчи компаниялар томонидан берилган маълумотларга кўра, аксарият хорижий экотуристлар мамлакатнинг Иссиқ кўл, Норин ва Чуй вилоятларига ташриф буюрсалар, Боткен вилояти ўзининг экотуристлик ресурсларга бой эканлигига қарамай, хорижий экотуристлар энг кам ташриф буюрадиган ҳудуд ҳисобланади[7]. Ушбу ҳолат мамлакат ҳудудларида экотуристлик ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги бўйича кўрсаткичлар кескин фарқланишидан далолат беради.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Қирғизистонда экотуризм аҳолида экологик маданиятни шакллантириш билан биргаликда, уларнинг бу борадаги билимларини ривожлантиришга қаратилган. Қирғизистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонунига кўра, экотуризм – бу туристларда экологик таълим ва тарбияни шакллантиришга қаратилган саёҳат туридир[8]. Экотуризм иқтисодий категориясига нисбатан мамлакат қонунчилигида берилган ушбу таъриф замонавий экотуризмнинг ривожланиш тенденцияларига тўлиқ мос келмайди, деб ҳисоблаймиз. Бугунги кунда экотуристлар нафақат мамлакатнинг табиий-экологик шарт-шароитларини тўғрисидаги билимларни ўзлаштириш, балки, маълум бир даражада табиий-экологик ресурсларни истеъмол қилиш ва улар тўғрисидаги ахборотларни жамлашга қаратилганлиги мамлакатда экотуризмни ривожлантириш борасида амал қилаётган қонунчиликни такомиллаштириш заруриятини уйғотади.

Қирғизистонда бўлгани сингари Қозоғистон Республикасида ҳам экотуризмни ривожлантириш борасида амал қилаётган қонунчиликни такомиллаштириш зарурияти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури (БМТТД) экспертлари томонидан аниқланган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- Қозоғистон Республикасининг амалдаги «Экологик кодекси»ни янгилашда экотуризм соҳасида хизмат кўрсатувчи туроператорлар фаолиятини кенгайтиришга устуворлик қаратиш;

- мамлакатга ташриф буюрувчи йиллик экотуристлар сонини режалаштириш;

- атроф муҳитни ҳимоялашга қаратилган чора-тадбирларни кучайтириш ва бунда хусусий сектор вакиллари иштирокини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

- экотуристтик транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва бунда атроф-муҳитга нисбатан кам зарар етказувчи транспорт воситалари, жумладан, электромобил ҳамда электробуслардан фойдаланишни рағбатлантириш;

- экотуристтик саёҳатлар ташкил этилаётган ҳудудларда қаттиқ маиший чиқиндилар чиқиши ҳажмини камайтиришда маҳаллий аҳоли ва экотуристларнинг иштирокини кенгайтириш;

- экотуристтик саёҳатни ташкил этишда маҳаллий жамият аъзолари иштирокини кенгайтириш;

- экотуристтик хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган миллий стандартлар тизимини халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқиш;

- махсус ҳимояланадиган экотуристтик ҳудудларда атроф муҳитни ҳимоялаш ҳамда экологик саёҳатларни ташкиллаштириш бўйича давлат ва маҳаллий даражадаги дастурларни ишлаб чиқиш;

- экотуристлар учун мўлжалланган экомехмонхона хизматларини ташкил этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизминини ишлаб чиқиш ва ҳ.к.[1]

Фикримизча, Қозоғистон Республикасида экотуризм соҳасини ривожлантириш бўйича амал қилаётган қонунчиликни такомиллаштириш бўйича БМТТД экспертлари тавсияларидан Қирғизистон амалиётида ҳам ижодий фойдаланиш мамлакатнинг экотуристтик салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Қирғизистонда туристик хизматлар бозорида хизмат кўрсатаётган туроператорлар ва туристик агентликлар айнан экотуристтик хизматлар кўрсатиш соҳасига устуворлик қаратмоқдалар. Натижада мамлакатда яшил туризмни ривожлантириш орқали жамият аъзоларида экологик маданиятни ривожлантиришга эришилмоқда[9]. Таҳлилларга кўра, Қирғизистонда экотуризмни ривожлантириш амалиёти мамлакатда яшил иқтисодиётни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар доирасида амалга оширилмоқда.

Қирғизистонда экотуристтик хизматлар бозорини ривожлантиришда мамлакат аҳолисининг узоқ йиллик тарихий яшаш-шарт-шароитларига устуворлик қаратилганлиги билан ажралиб туради. Тарихий манбаларга кўра, қирғизлар уч минг йиллик кўчманчи шаклда чорвачилик хўжалиги юритиш билан шуғулланган бўлиб, тоғолди яйловларида ўз чорваларини боқиш билан шуғулланиб келганлар. Қишки мавсумларда чорваларни боқиш учун водийлар ва тоғлараро чуқурликлар танланган бўлса, кузги ва баҳорги мавсумларда қор қопламидан эрта бўшаган қишлаш жойларига туташ майдонлар танланган. Ёзги мавсумда эса очиқ яйловлар ва чорвани суғориш учун сув ресурслари мавжуд бўлган тоғлараро жойлашган алп водийларида чорва моллари боқилган. Статистик маълумотларга кўра, Қирғизистонда экотуристтик хизматларни ташкил этиш имконияти мавжуд бўлган тоғли ва тоғолди яйловлари ҳудуди қарийб 9,0 млн. гектарни ташкил этса, уларнинг 3,9 млн. гектари ёзги мавсумда экотуристтик хизматлар кўрсатиш учун қулай ҳудуд ҳисобланади[6]. Мамлакатда экотуризмни ривожлантиришда ҳам айнан ушбу тарихий амалиётдан келиб чиққан ҳолда, экотуристлар учун табиий-экологик кўчманчилик ҳаёти билан боғлиқ бўлган қизиқ экотуристтик хизматлар кўрсатиш амалиётига устуворлик қаратилган. Бу эса экотуристларга маълум бир вақт давомида ўтган асрлардаги кўчманчилик маданияти ва чўпонлар ҳаётини хис қилиш имкониятини беради.

Фикримизча, Қирғизистонда экотуристтик хизматлар бозорини ривожлантиришда Буюк Британиянинг «экологик қишлоқлар»ни ташкил этиш амалиётига асосланган ҳолда, тоғли ва тоғолди ҳудудларида экотуристларга кўчманчилик ҳаётини ҳис этиш имконини берувчи шарт-шароитларни яратишга қаратилган давлатнинг инвестицион дастурларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бу орқали мамлакатнинг экотуристтик ривожланиш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги ортиб, жаҳон экотуристтик хизматлар бозоридаги мавқеи ошади. Шу билан биргаликда, мамлакатнинг мавжуд экотуристтик ресурсларини инобатга олган ҳолда кейинги йилларда экотуристтик хизматлар кўрсатиш соҳасининг қуйидаги турларини ривожлантириш имконияти мавжудлиги аниқланди:

- табиат бўйлаб пиёда сайр қилиш;
- сув экотуризми;
- тоғ экотуризми;
- чанғи экотуризми;
- велотурлар (велосипедда экологик саёҳат қилиш);
- экомехмонхона хизматлари.

Тожикистон Республикаси Марказий Осиёда экотуризмни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларга устуворлик қаратилаётганлиги билан ажралиб туради. Жумладан, 2018 йил мамлакатда «Туризм ва халқ хунармандчилигини ривожлантириш йили» деб номланиб, экотуризмни ривожлантириш бўйича кўпсонли чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида соҳанинг барқарор ривожланишини таъминлашга эришилди[10].

Тожикистонда экотуризмни ривожлантиришда миллий экологик боғларни ташкил этишга устуворлик қаратилган бўлиб, бугунги кунда бу турдаги экопарклар мамлакат ҳудудининг 22 фоизини эгаллайди. Кўплаб хорижий экотуристлар мамлакатда табиат бўйлаб саёҳат қилиш мақсадида ташриф буюрувчи миллий эकोбоғлар қаторига «Дашти Джум», «Йўлбарс нури», «Ромит», «Зорқўл» қўриқхоналаридаги боғлар ва «Тожикистон миллий боғи»ни киритиш мумкин[11].

Шу билан биргаликда, Тожикистон Республикаси Овчилар Ассоциацияси томонидан «Бадахшон», «Барс», «Сайод» ва «Мургаб» компнаиялари учун Хатлон вилоятининг Шамсиддин Шохин туманида экотуристлар учун овчилик билан шуғулланиш бўйича хизматларни ташкил этиш бўйича лицензиялар берилган. Шу билан биргаликда, ушбу ҳудудда овчилар учун махсус экологик-табiiй шарт-шароитларга эга бўлган яшаш учун мўлжалланган кичик коттежлар ва овчилар кулбалари қурилган. Бунда овладиган ҳайвонлар етти-саккиз ёшдан кичик бўлмаслиги талаб этилади ва овладиган ҳайвонлар сонига нисбатан Республика Овчилар Ассоциацияси томонидан максимум квоталар белгиланади[12]. Бу орқали ёввойи ҳайвонларнинг кўпайишига инсонларнинг салбий таъсири камайтиради. Жумладан, етти ёшдан катта бўлган ҳайвонлар нисбатан тезроқ харакатланганлиги сабабли овчилик билан шуғулланиш иштиёқи баланд бўлган экотуристларнинг ушбу хизматлардан фойдаланишга бўлган қизиқишини оширади.

Таҳлилларга кўра, Тожикистон бошқа Марказий Осиё мамлакатларидан фарқли ўлароқ ҳар йили хорижий экотуристтик оқимни режалаштириш амалиётига ўтган бўлиб, йилдан йилга мамлакат ҳудудига уларни жалб этиш ҳажмини ошириш бўйича тегишли

давлат ва ҳудудий дастурлари ишлаб чиқилади. Шунингдек, хорижий экотуристларнинг аксарияти мамлакатнинг тоғли ҳудудлари бўйлаб саёҳат қилишни манзур кўрадилар.

Хулоса ва таклифлар. Марказий Осиё мамлакатларида экотуризмни ривожлантириш амалиётини таҳлил қилиш асосида ушбу минтақа мамлакатлари учун хос бўлган қуйидаги умумий хусусиятлар аниқланди:

- Марказий Осиё мамлакатларининг экотуристтик ресурсларга бой бўлиб, юқори даражада экотуризмни ривожлантириш салоҳиятига эга;

- мамлакатлар қонунчилиги замонавий экотуристтик хизматлар бозорининг халқаро даражадаги ривожланиш тенденцияларига мос келмаслиги сабабли, уларни такомиллаштириш заруриятининг мавжудлиги;

- Марказий Осиё мамлакатлари табиий-экологик шарт-шароитлари ўзаро ўхшашлиги билан биргаликда, экотуристтик ресурсларнинг мамлакатлар жегаралари ўртасида жойлашганлигини инобатга олиб, минтақавий экотуризмни ривожлантириш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим;

- Марказий Осиё мамлакатларида экотуристтик инфратузилмани ривожлантиришда инновацион экотехнологиялардан фойдаланиш даражасининг пастлиги ва бу турдаги технологияларни жалб қилишда инвестицияларга, жумладан, хорижий инвестицияларга бўлган эҳтиёжнинг юқорилиги;

- Марказий Осиё мамлакатларида экотуристтик хизматлар кўрсатиш амалиёти унда иштирок этувчилар, жумладан, экотуристларда экологик маданиятни шакллантириш билан биргаликда, уларга экологик таълим-тарбия беришга қаратилганлиги;

- мамлакатларда экотуристтик хизматлар кўрсатишнинг илғор, бой тараққий этган мамлакатлар амалиётидан ижодий фойдаланиш заруриятининг юқорилиги;

- мамлакатларнинг ички минтақаларида экотуризмни ривожлантириш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичининг кескин фарқланиши ва ҳ.к.

Фикримизча, кейинги йилларда Марказий Осиё мамлакатларида юқорида билдириб ўтилган фикрларни инобатга олган ҳолда экотуризмни ривожлантириш бўйича давлат ва ҳукуматлараро ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқиши ўрта муддатли истиқболда минтақа, жумладан, ундаги мамлакатлардан экотуризмни ривожлантириш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан биргаликда, уларнинг халқаро экотуристтик хизматлар бозорида етакчи ўринларни эгаллаши учун замин яратади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Первозданная природа Казахстана – потенциал для развития экотуризма. [Электронный ресурс] – URL: <https://www.undp.org/ru/kazakhstan/>
2. Падалко С.А. Развитие экологического туризма в Казахстане. Вестник Казахстанско-Американского Свободного университета. Усть-Каменогорск. – 2017. [Электронный ресурс] – URL: <https://articlekz.com/article/31093>
3. Жаннат Рахимова: Странам Центральной Азии нужно объединиться для развития экотуризма. [Электронный ресурс] – URL: <https://ia-centr.ru/publications/zhannat-rakhimova-stranam-tsentralnoy-azii-nuzhno-obedinitnya-dlya-razvitiya-ekoturizma/>

4. Байканова Д.Е. Развитие экологического туризма в Республике Казахстан. Вестник Хабарщы. Туризм. 2012. № 1. [Электронный ресурс] – URL: https://tourlib.net/statti_tourism/bajkanova2.htm
5. Global Wildlife Travel Index – 2019. [Электронный ресурс] – URL: <https://www.true.travel/global-wildlife-travel-index/> маълумотлари асосида тузилган
6. Сабырова Н. Экотуризм по кыргызски? – чем привлекателен Кыргызстан туристам из дальнего зарубежья. Кыргызское Национальное Информационное Агентство «КАВАР», 24.02.2019. [Электронный ресурс] – URL: <https://kabar.kg/news/ekoturizm-po-kyrgyzski-chem-privlekatelen-kyrgyzstan-turistam-iz-dal-nego-zarubezh-ia/>
7. Перспективы развития экотуризма в Кыргызстане. [Электронный ресурс] – URL: https://vuzlit.com/356504/perspektivy_razvitiya_ekoturizma_kyrgyzstane
8. Супатаев Т.А., Торобекова Т.А. Проблемы развития экологического туризма Иссык-кульской области. 6 с. [Электронный ресурс] – URL: <https://science.bafe.edu.kg/wp-content/uploads/2021/06>
9. Талантбекова Н.Э. Развитие экологического туризма в Кыргызской Республике и его значение при переходе к зеленой экономике // Креативная экономика. – 2021. – Том 15. – № 9. – С. 3661-3670. DOI: 10.18334/ce.15.9.113450. Режим доступа: <https://creativeconomy.ru/lib/113450>
10. Развитие экологического туризма в Таджикистане. Комитет по охране окружающей среды при Правительстве Республики Таджикистан. [Электронный ресурс] – URL: <http://tajnature.tj/ru/function/tourizm/>
11. Мамадризохонов А.А. Ташкили фаъолияти сайёҳӣ. / А.А. Мамадризохонов – Душанбе «Андалеб», 2016. – 401 с.
12. Развитие экологического туризма в Таджикистане. Комитет по охране окружающей среды при Правительстве Республики Таджикистан. [Электронный ресурс] – URL: <http://tajnature.tj/ru/function/tourizm/>

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 9 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).